

Жўрабек Омонович ЧЎТМАТОВ
 Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот
 маркази илмий ходими,
 Термиз давлат университети катта
 ўқитувчиси,
 тарих фанлари бўйича фалсафа доктори
 (PhD)
 chutmatov84@mail.ru

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ТАЪЛИМОТИ АСОСЛАРИ

ОСНОВЫ УЧЕНИЯ ХАКИМ ТЕРМИЗИ

FUNDAMENTALS OF THE TEACHER TERMIZIYI DOCTRINE

Ушбу мақолада умумбашарий фикрий тараққиёт тарихида муҳим из қолдирган мутафаккирлардан бири бўлган Муҳаммад Ҳаким Термизий ижоди таҳлил этилган. Олимнинг турли соҳаларда олиб борган фаолияти манбаларга асосланган ҳолда тақдим этилган. Унинг қарашларини бирлаштириб турувчи умумийликни топишга ҳаракат қилган ҳолда ушбу яхлитлик ва тизимлилик ривожига таълимот нуқтасига етиб борганлигига оид хулосалар берилган.

Калит сўзлар: Қуръон, Сунна, Ислоҳ, дин, дунё, таълимот, тариқат, валий, ҳикмат, ҳаким

В статье анализируется творчество Мухаммада Хакима Термизи, одного из мыслителей, оставивших важный след в истории всемирного интеллектуального развития. На основе источников представлена деятельность ученого в различных областях. В попытке найти общую основу, которая объединяет его взгляды, был сделан вывод, что это развитие целостности и системности достигло точки доктрины.

Ключевые слова: Коран, Сунна, Ислам, религия, светский, течение, учение (доктрина), святой (вали), мудрость (хикма), мудрец (хаким)

The article analyzes the work of Muhammad Hakim Termizi, one of the thinkers who left an important mark on the history of world intellectual development. Based on the sources, the activities of the scientist in various fields are presented. In an attempt to find a common ground that unites his views, it was concluded that this development of integrity and consistency had reached the point of doctrine.

Keywords: Koran, Sunnah, Islam, religion, secular, current, doctrine, holy (wali), wisdom (hikma), sage (hakim).

КИРИШ

Айрим олимлар ижодини таҳлил этиш асносида шуни кузатиш мумкинки, қамров ва мулоҳазанинг чуқурлигидан тадқиқотлар жараёнида таҳлил ва хулосалар ҳам теранлашиб бораверади. Натижада улар илм-фаннинг турли туман жабҳаларига алоқадорлик касб этади. Айрим ҳолларда эса натижа самарадорлиги бундан ҳам юқориюққа кўтарилиб, бу жабҳаларнинг умумлашув тизими ҳам кўрсатилади ва хусусийликдан умумийликка ўтувчи бу йўл орқали кўпчиликка мос келувчи умумий қонуниятлар ёки формулалар ҳам юзага келади. Ана шундай самарадорликни кузатиш мумкин бўлган мутафаккирлардан бири Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан ибн Бишр Ҳаким Термизийдир (тахм. 205-320/820-932). Шунинг учун қуйида ушбу мутафаккир асарлари ва тегишли тадқиқотларга таянган ҳолда Муҳаммад Ҳаким Термизий қарашлари қанчалик серқирра жиҳатларга эгаллиги, диний ва дунёвий билимлар уйғунлигининг намунавий кўриниши сифатида таълимот нуқтасига етиб боргани масаласига тўхталиб ўтамиз.

МУҲОКАМА

Аввало, таъкидлаш лозимки, Ҳаким Термизий қарашлари ва таълимоти исломий манбалар – Қуръон ва Суннага таянади. Аммо ушбу манбаларни фахмлаш ва тадқиқ этишда у, шубҳасиз, кўпчилик олимлардан анчайин илгарилар олган. Ҳаким Термизийдан кўплаб асарлар мерос қолган. Уларнинг кўпчилиги бизгача етиб келган. Тадқиқотчилар бунинг сабабини ушбу асарларга доимий зарурат бўлгани учун доимий тарзда кўчирилганлиги туфайли ҳам дейдилар. Ушбу асарлар сони ҳақида турлича фикрлар билдирилади. Улар 60, 80, 200, 400 дан ортиқ ҳам дейилади. Бу масалада шуни ёдда тутиш лозимки, ушбу рақамлар тадқиқотчилар нуқтаи-назаридан келиб чиқиб айтилган. Чунки баъзилар унинг кичик, бир, икки варақ ва шу атрофдаги қўлёзмаларини асар ёки рисола сифатида санаса, баъзилар фақат йирик ҳажмли асарларни санокка киритган. Биринчи тур асарлар анча кўп бўлса, иккинчи тур, яъни, ҳажман йирикроқ асарлар 50 ва

80 орасида саналади. Биз эса унинг кичик ҳажмли қўлёзмаларини ҳам ўзига хос асар деб ҳисоблаш тарафдоримиз. Чунки уларни ўрганиш жараёнида гувоҳ бўлиш мумкинки, бу мутафаккир ҳажман кичик қўлёзмаларда маънан улкан масалаларга ечимли баёнлар берган. Бу эса у зотнинг “ҳаким” деб номланиш сабабларидан биридир. Зеро, ҳакимлик – чуқур маъноларни қисқа сўзларда ифода эта билиш малакаси ҳамдир. Жумладан, у зот дейдики, инсон – дунё ҳукмдори. Қалб – инсон ҳукмдори. Маърифат – қалб ҳукмдори. Тана аъзолар фақат қалб амри билан ҳаракатланади. Дунё эса тана аъзоларинингга боғлиқ. Чунки сен дунёдан оласан, дунё эса сендан ҳеч нарса олмайди. Ким бу амирликда адолатли бўлса, унинг самараси валоятдир. Валоят самараси эса бу дунёдаги моликлик – эгалик. Чунки шунда сен бу иш учун яроқли бўласан. Агар адолатли бўлмасанг, жаврга ўтасан, натижада амирликдан четлатиласан [5: 57].

Ҳаким Термизий ҳақида Муҳаммад Усмон ал-Хушт дейди: “Бу улкан олим, дарҳақиқат, кенг илм, чуқур фикр ва сулукдаги истиқомат билан енгил санаш мумкин бўлмаган бир даражага етишган, ҳатто унинг тарихи, таржимаи ҳолини битмоқчи бўлган замонавий тадқиқотчи ўзини турли-туман йўналиш ва билимларга эга шахсиятнинг олдида топадики, бу нарсалар олдида тўхтаб, мулоҳаза қилади: тадқиқотида нимани олиши керагу, нимани қолдириши керак? Бу эса ушбу олимнинг илмий шахсияти ва унинг зикри доимийлигининг шаклланиб боришида муҳим ўрин тутган кўплаб омилларга қайтади” [6: 7]. Шунинг учун тадқиқотчилар Термизий қарашларини маълум соҳаларга бўлиб ўрганишади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Муҳаммад Ҳаким Термизий Ислом тарихида валийлик ҳақидаги қарашларни ишлаб чиққан энг дастлабки мутафаккирдир. Термизийнинг йирик тадқиқотчиси Муҳаммад Жуюший фикрича, Ҳаким Термизийдан сўнг ким валийлик ҳақида гапирган бўлса, қай миқдорда бўлса ҳам, унинг қарашлари таъсирида бўлган. Албатта, Куръон оятларида, набавий ҳадисларда ва кейинги саҳобалар, тобеъинлар ва табаъ тобеъинлар даврида валийлик ҳақидаги фикрлар бўлган ва бу алоҳида тадқиқот мавзуси. Бу тасаввуфий қарашларга ҳам тегишли. Аммо валийлик

ҳақидаги қарашларни бир тизимга солиш, унинг аниқ чизгиларини қайд этиш ва белгилаш масаласида ушбу шахснинг тарихдаги ўрни алоҳидадир.

Ҳаким Термизийнинг қарашлари валийлик атрофида айланиши ҳақида Хужвирий ўзининг машҳур “Кашф ал-маҳжуб” асарида маълумот беради. У ўша даврнинг кўзга кўринган 12 тасаввуф мактабини санар экан, уларнинг ҳар бирига хос бўлган алоҳида хусусиятларни қайд қилиб ўтган. Улар орасидаги “Ҳакимийя”га тўхталганда эса дейди: “Аммо ҳакимийлар Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизийга нисбат бериладилар. У ўз вақтининг имомлари ичида зоҳир ва ботин илмлари борасида ягона эди. Унинг таснифотлари ва нуктадонликлари мўлдир. Унинг каломининг қондаси ва тариқи валоят борасида бўлиб, унинг ҳақиқатларидан, шунингдек, авлиёлар даражалари ва улар тартиботининг риёоялари ҳақида сўзларди. Айни вақда унинг ўзи чегарасига кўра, соҳили йўқ денгиз ва кўплаб ажойиботлар эгасидир. Унинг мазҳабининг илк очилиш нуктаси Аллоҳ таолонинг халқдан ўзи танлаб олган валий бандалари бор деб билиш. Улар ғамларини бу ғамлар унга боғланган нарсалардан узишди, нафс ва ҳаволарининг даъволаридан воз кечишди. (Натижада) у (валий)ларнинг ҳар бири маълум бир даражага етди ва уларга маъно эшикларидан бири очилди” [8: II, 442].

Ушбу кичик матннинг ўзи Термизий ва унинг валийлик ҳақидаги қарашлари борасида кўп нарсаларни аниқлаштириб беради.

Аввало, Термизий ўз тадқиқотларини инсон ва дин, бошқача айтганда, Худо ва инсон муносабатларига қаратган шахсдир. Бу жабҳанинг муҳим масаласи эса, табиийки, валоятдир. Илоҳ ва инсон муносабати бошқа сўфийларда ҳам бордек кўринса-да, аммо Термизийдагиси мавзуга ёндошишда объективлик ва тадқиқийлиги билан улардан анча фарқ қилади. Ҳаким Термизийнинг замонавий тадқиқотчиларидан бири Усмон Яҳё шундай деган: “Кўринадики, “ҳаким” лақаби хоссатан Термизийга нисбат берилган. Чунки, дарҳақиқат, сўфийлик таълимотлари ўз сайрида мувофиқлик ва изчиллик борасида унинг олдида бекарор бўлиб қолади. Чунки Термизийнинг наздида бу йўл фақатгина сўфийнинг ўз жилва ва кашфларида

унинг таъсирига тушиб қоладиган шахсий ҳоллардангина ёки сўфий ўз хилватида уни яхши кўрувчи ҳиссий туйғулардангина иборат бўлиб қолмаган. Балки, унга кўра, бу масалада объектив ҳақиқатлар бўлиб, унинг ўз мустақил таъб-табиати ва хос олами бор. Термизийнинг ҳикмати унинг ўзига хос тасаввуфида инсоний нафснинг табиати, феъл-атвори, табиий хусусиятларининг қобилят ва моҳирлик билан қилинган аъло даражадаги ёрқин таҳлиллари ва руҳий сулук услубларининг ажойиб баёнида кўринади. Ва ниҳоят, ҳикматнинг услублари, микёси, андозавий меъёрлари ва маърифатнинг даражалари орасини қатъий фарқлашда намоён бўлади. Бу маъноларни Ҳаким Термизий ўзи келтирган турли мисоллар ва “Илм ал-авлиё”, “Китоб ал-ҳикма” (Ҳикмат китоби), “Исбот илал аш-шаръийя” (Шаръий сабаблар исботи) ва “Хатм ал-авлиё” (Валийлар чўққиси) каби китоб ва рисоаларида ўзига хос тарзда шарҳлаган” [1: 3].

Ҳужвирий матнида Термизийга фақат валоят тадқиқоти нисбат берилиши унинг қамров доираси тор деган қарашга сабаб бўлмаслиги керак. Чунки Ҳужвирийнинг ўз замони учун айтган сўзларини замонавий тарзда тушунишимиз лозим бўлади. Бу эса қуйидагича янграйди: “Термизий валоят муаммосини ўртага қўйган”. Бу эса *валоятгача бўлган масалаларни* ҳам қамраб олиши илмий услуб жиҳатидан тушунарли ҳолдир. Бу эса Термизий асарларида ўз ифодасини топган. Буни Ҳужвирий ҳам юқоридаги матнда таъкидламоқда: “Улар ғамларини бу ғамлар унга боғланган нарсалардан узишди, нафс ва ҳаволарининг даъволаридан воз кечишди”. Термизий бу маъноларни тадқиқий тарзда ёритиб беришга уринган шахс эканлигини унинг асарларидан кўриш мумкин. У бу йўлда деярли ҳеч бир жиҳатни: инсон психологияси ва унинг дақиқ таҳлилларидан тортиб (нафс, ақл, қалб ва рух- бу Термизий инсон фаолиятининг барча жиҳатларини уларга қайтарадиган энг муҳим психологик асослар), диннинг турли қисмлари (Қуръон, Суннат, улардаги турли масалалар, илм, унинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари ва уларнинг ўзаро мувофақати ва бошқалар)ни назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилади. Буларнинг барида Термизий асл ва ечим бўлган мулоҳазаларни беришга ҳаракат қилганки, бу

унинг “ҳаким” деб номланишига сабаблардан бири ҳамдир. Ҳатто тадқиқотларимиз доирасида, бу зотнинг қарашлари тариқат ёки шу атрофдаги тушунчалардан ҳам юксалиб, таълимот даражасига етгани тўғрисида хулосага келмоқдамиз. Ҳужвирий ҳам Термизий ҳақида сўз юритган ўрнида “мазҳаб” сўзи ҳам ишлатганини юқорида кўриб ўтдик. Умуман, Ҳаким Термизийда масалалани бошидан бошлаб охиригача олиб бориш хусусиятлари (ибтидо-интиҳо) ҳамда *асл* (аслият) ва *фаръ* (жузъият) ни аниқлаш ва ажратиш хусусиятлари етакчи ўрин тутадик, бу ҳам унинг қарашларида таълимот белгиларини кузатиш имконини беради. Шу тарзда Термизий *дин* тушунчасини ҳам кенг қамровли тарзда тушунади ва ундаги муҳим уч қисм бўлган ақида, фикр ва руҳий тарбия масалаларини умумий нуқтасини топишга қаратилган кам учрайдиган асосли таҳлилларини тақдим этади. У “Аллоҳ азза ва жалланинг динининг уч арконга бино қилинганини топдик: ҳақ, адл ва сидқ” [7: 21] дея ушбу йўналишларни ўз асарларида шарҳлашга ҳаракат қилган. Таҳлилий услубда эса қиёсий ва танқидий йўналишдан кенг фойдалангани методология тарихи учун яна бир тадқиқот майдонини очади.

Шунингдек, Термизий валоят босқичидан сўнг яна валоятнинг ўзидаги иерархияни – турли поғоналар ва улардаги даражаларнинг тадқиқоти ҳам киришган. Буни ҳам Ҳужвирий тўғри қайд этиб ўтмоқда: “Шунингдек, (унинг сўзлари) авлиёларнинг даражалари ва улар тартиботининг риёялари ҳақида ҳам”.

Ҳаким Термизийнинг валоят ҳақидаги қарашлари унинг деярли ҳамма асарларида кўриниб туради. Аммо бу соҳанинг ўзига бағишлаган махсус тадқиқоти “Хатм ал-авлиё” асаридир. Бу китоб доимий тарзда кўплаб баҳсларга сабаб бўлган, ҳатто, манбаларда айтилишича, шу асар сабабли Термизий Термиздан чиқариб юборилган бўлса-да, унинг фойдали жиҳатларини олиш, шубҳасиз, улкан фойдаларга сабаб бўлади. Чунки китобдаги маънолар бир тарафдан Термизийда инсон психологиясининг чуқур таҳлилига асосланиб, у кишининг “башарий тўсиқлар”и ва уни енгиб ўтиш даражаси билан боғланса, бошқа тарафдан илоҳий иноятлар давомийлиги ҳамда уларнинг даража ва фойдалари билан ҳам

боғланиб кетади. Термизийнинг келтирилган асарида валийликка ҳақли шахс жавоб бериши лозим бўлган саволлар ичида “хатмул авлиё” ҳақида ҳам савол берилади ва у ушбу асарнинг бошқа ўринларида маълум бир шахс сифатида ҳам гавдаланса-да, аммо уни фойдали тарафини олиш жиҳатдан валийликнинг олий нуктаси сифатида мажозий талқин қилиш ҳам мумкин. Чунки асарга диққат билан назар солинса, унда маълум бир шахснинг васфидан кўра, илм, амал, маърифатдаги даражалар (Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исмидан “ўтиш” – улардан имкон қадар кўпроқ фойда олиш ва бундаги қуйроқ даражалар, нафснинг аралашувисиз соф амал қилиш ва бундаги қуйроқ даражалар, инсон психологиясининг теран таҳлиллари ва унинг замон ва макон билан боғлиқ жиҳатлари ва ҳ.к.) васфи устунроқ кўринишдадир. Қолаверса, Термизийнинг бошқа асарларида ҳам “хатмул авлиё” шахс сифатида гавдалантирилмаган ва тушунча маъносида ҳам тилга олинмаган. Бошқа асарларида Термизийнинг валийлик ҳақидаги қарашларини мавҳумликсиз аниқ тушуниш мумкин. “Хатмул авлиё”, Термизийга кўра, валийлар иерархиясида бир-биридан фарқли белгиларга эга авлиёлар ичида мажзуб бўлганлар орасидан нубувватдан энг кўп улуши бўлган кишидир. Кишиларнинг нубувватдан улушлари ва уларнинг баъзи миқдорлари эса ҳадисларда келган маънолар бўлиб, уларни муаллиф ҳам келтиради. Термизий Муҳаммад алайҳиссаломнинг “хатмул анбиё”лик даражасидаги “хатм”ни “сўнгги пайғамбар”ликдан ташқари Муҳаммад алайҳиссаломни нафс ва шайтоннинг ҳар қандай улуши ва аралашувидан сақлайдиган мухр ҳам эканлигини таъкидлайди. Шу маънода у “хатмул авлиё” ҳам “сўнгги валий” эмас, балки нафсоний аралашувлардан бошқаларга қараганда кўпроқ холи бўла олган валийдир. “Хатмул авлиё” мақоми эҳсон хазиналаридан. Энг сўнгги етадиган манзили эса қурб хазинаси. У абадан саъй ҳолида.

Тарихда “Валий ўзининг валийлигини биладими ёки йўқми ёхуд билиши мумкинми ё йўқми?” деган масалада тортишув бўлган. Улар орасида Қушайрийнинг (376-465/986-1072) “Рисола ал-Қушайрийя”да устози Абу Али Даққоқдан келтирган “Валий ўз валийлигини билиши мумкин” деган фикр ҳам бўлиб,

муаллифнинг ўзи ҳам шу фикрга қўшилади. Бу эса бундан ҳам олдинроқ Термизийда нафақат айтилган, балки бошқа тафсилотлари баён қилиниб, асослаб ҳам берилган. Термизийга кўра, валийлар валийлигини билишади. “Яширин валий”лар ҳам Термизийга кўра, валийдир. Аммо у нафсининг хиёнатидан ҳали омонда бўлмагани учун яширин ҳолдадир ёки Аллоҳ унга ўзининг валийлигини билдирмаган. Аммо ошкора валийлар бу иллат ва хатарлардан омонда бўлиб, шунинг учун у валийлигини билади ва унга ҳам бу билдирилади. Сўнг улар халқ учун ибрат ва намуна ҳам бўлишади. Уларнинг қобилиятлари дин ва дунё ишларида намоён бўлади. Бунга мисол эса, Термизийга кўра, Ислом тарихидаги чорёрлар ва жаннат башорати берилган ўн саҳобадир. Бу маъноларда унинг “валий”си тасаввуфий “валий”дан кўра кенгрок ва чуқурроқ қамровга эга бўлади. Бунинг яна бир исботи шуки, Термизий наздида руҳий-нафсий риёзатларнинг ўзи ва бунинг натижасида покланишгина асосий мақсад бўлмасдан, балки бунга эришгандан сўнг, яъники, валийликдан сўнг, унинг ортида бутун бошли динни фаҳмлаш ва талқин қилиш туради. Бу Термизийда, ўз навбатида, дунёни ҳам англашни қамраб олади. Чунки унда сўфийлар наздида асос бўлган *муҷоҳада* билан бир қаторда ундан ҳам асослироқ нарсаси *илм*дир. Термизийга кўра, Парвардигор ибодатининг аввали илмдир. Агар билсанг, танийсан. Танисанг, ибодат қиласан. Илмларнинг бари эса ҳарфларда. Илм – маънолар аломати. Маъноларда эса изҳор қилиш мақсад қилинган ашёларнинг ўзи – моҳияти бор. Илм ўзидаги нур (илм нури) билан нутқ ва ёзув орқали ўша ҳафий – яширин маъноларга далолат қилади [5: 124]. Маънолар эса зоҳирий ва ботинийга бўлинади. Термизий “Хатмул авлиё” асарида валийлик даъвогарига ҳам 157 савол тузди ва агар буларга жавоб беролмаса, бу тоза сувни лойқалатмасликни маслаҳат беради [1]. Ана шу илмдан келиб чиқувчи *маърифат* тушунчаси Термизийда янада кенгрокдир. Шунинг учун Ҳаким Термизий Халид Заҳрий ва Аҳмад Ройсуний каби олим ва тадқиқотчилар томонидан “мақосид аш- шарийъа” – шариат ҳукмларининг мақсадлари борасидаги илмий йўналиш асосчиси сифатида тан олинishi ҳам бежиз эмас [13].

Термизийнинг илмий қарашлари тадрижида дунёвий билимлар ҳам муҳим ўрин эгаллаганини кўриш мумкин. Масалан, ушбу мутафаккир ҳақида докторлик диссертациясини ёклаган мисрлик олим Абдурахим Сойиҳ шундай дейди: “Маълумки, Ҳаким Термизий (инсоний) нафс борасида олим бўлиб, унинг касалликларини фаҳмловчи, унинг иллатлари ва яширин жиҳатларини жуда яхши билувчи эди. Шунинг учун солиқлар учун нафснинг касалликлари ва офатларидан ҳеч бирини қўймай очиб берди. Инсоф юзасидан шуни айтишимиз керакки, Ҳаким Термизийни исломий нафс илмининг асосчиси сифатида эътироф этиш мумкин» [10: 172]. Бу эса услуб жиҳатидан деярли биз биладиган “илм ан-нафс” – психологиядир. Бу каби фикрлар Термизийнинг бошқа тадқиқотчиларида ҳам учрайди. Улардан биридаги фикрга кўра, Ҳаким Термизийни замонавий психологик билимлар тизимидаги ўрнини баҳолаш – соҳа тадқиқотчилари олдида турган муҳим вазифадир [12].

Ҳаким Термизийнинг баъзи ҳадис шарҳларидан у зотнинг одам анатомиясидан хабардорлиги келиб чиқади. Масалан, у зот куйидаги ҳадисни келтиради: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кишининг тик туриб оёқ кийим кийишидан наҳий қилдилар” (Имом Абу Довуд, Термизий, Ибн Можалар ривоят қилишган). Сўнг дейди:

“Жасадингни сенда ҳаққи бор. Бас, агар сен унга тоқати етмайдиган нарсани юкласанг, бу билан дард юзага келади. Сен эса (бу билан) унга зулм қилган бўласан. Албатта, баданнинг тик, қоим туриши икки оёқ биландир. Агар тик туриб оёқ кийим кийсанг, бир оёғингини оёқ кийимни кийиш учун кўтарганинг туфайли бу кўринишни топмайсан. Бу вақтда шундай ҳол юзага келадики, баданнинг юки, оғирлиги бир оёққа тушади. Натижада томирларда изтироб, ғалаён, бузилиш вужудга келади. Агар томирларда бу нарса юз берса, дард юзага келишидан эмин бўлинмайди (яъни, касаллик учун зўр шароит туғилган бўлади). Чунки томирлар қон ва ҳавонинг жорий бўладиган-ҳаракатланадиган жойидир. Агар томирлар изтироб, ғалаён, бузилишдан қисилиб-сиқилса, қон ғалаёнга келади. Қачонки шундай бўлганда бирор касал бўлсанг, ундан қутулишинг маҳол! Қачонки қон (бу жараёнлар натижасида)

томирлардан тошса, томирлар ўз маконининг тор бўлиб қолганлигидан сиқилади. Сўнггра у алаққа айланади (яъни, куйилиб, қотади). Агар алаққа айланса, оқмайди ва қони фосид бўлади (бузилади). Агар айланиб турган ҳаволар сиқилса, сокин турган ҳаволар ғалаёнга келади. Бу эса жуда улкан нарсадир” [6: 27-28].

Ҳаким Термизийнинг бошқа асарларида жисмоний тиббиётнинг кўплаб белгилари билан бирга “руҳий тиббиёт” деб аташ мумкин бўлган жиҳатлар ҳам талайгина. Масалан, инсон табиати ва ундаги турлича ҳароратларнинг ички сезгиларга боғлиқ жиҳатлари ҳақида ҳам сўз кетадики, унга кўра шахватлар – қайноқ ҳарорат билан, илоҳий раҳмат эса совуқлик билан сифатланади ҳамда буларнинг инсон феъл-атвориға таъсирлари ўрганилади. Бу Термизийнинг “Наводир ал-усул” ва бошқа кўпгина асарларида таҳлил этилади.

Умуман, Ҳаким Термизий инсон таҳлили масаласида уни “шаҳар” доирасида ва ундан ҳам юксалиб, “мамлакат” тарзида ўрганиш ва қисмларини таҳлил этиш даражасига ҳам етган ва тадқиқотчилар унинг бу таҳлилларини Исломдаги сиёсий қарашлар тадрижини давом эттиришдаги занжирнинг илк халқаларидан санашади. Жумладан, унинг “Говрул умур” (Ишларнинг асоси) асари ҳақида дейиладики, у фақат руҳий тарбия мазмунидаги асар эмас. Балки у ислом сиёсий фикрига, яъни, фалсафасига доир энг қадимги ва чуқур таҳлилли асардир. Термизий бунда Форобий ва бошқаларда кузатиладиганидек, юнон фалсафаси таъсиридан озод бўлган ва исломий асослар билан таҳлил этилган [11].

Ҳаким Термизий ўзининг автобиографик саналувчи “Будувву шаън” асарининг бир ўрнида фурузд, яъни, ўт-ўлан, гиёҳ, ёввойи ўтлар билан ҳам машғул бўлгани айтилса, бошқа бир ўринда муаллиф дейди: “Сўнггра ушбу йилларнинг бирида завол ишини ўлчаши, буржларнинг ишларидан бўлган бу ҳисоб-китобларни ўрганиш ва устурлоб билан машғул бўлдим” [1: 25, 27]. Ушбу устурлобни ким ясагани ва у қаердан келгани бизга номаълум. Аммо агар ўрта асрлар астрономиясининг муҳим асбоби бўлган устурлобни ишлатиш муаллиф умрининг бошларида бўлганлиги ҳисобга олинса, бу камида IX-асрнинг иккинчи чорагидир. Манбаларда келишича, мусулмон

дунёсидаги биринчи устурлоб аббосий ҳукмдор Мансур (95-158/714-775, халифалиги 136/753 йилдан) даврида ишлатилган. Уни саҳоба Самура ибн Жундуб розияллоху анхунинг (ваф. 58/678) авлодидан бўлган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳабиб Фазорий (ваф. тахм. 180/796) ясаган [9: VII, 332]. Бундан келиб чиқадики, у Ислом оламида биринчи бор ясалгандан сўнг, 70 йил орасида Термизда ҳам ишлатилган.

Ҳаким Термизий ўзининг “Баён ал-касб” – яъни, “Касб баёни” асарида жамиятнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий хусусиятларидан бири бўлган касб масаласига тўхталиб, инсон ҳаётида ҳалол меҳнат ва пок ризқ масаласининг муҳим ўрнига урғу берган ва уни ҳакимона таҳлил қилган. Бу борада қисқа, аммо, ғоя даражасидаги қуйидаги шиорни ўртага қўйган ва асослаб берган: “Тирикчилик талаби – инсонлар учун раҳматдир” [3: 151]. Яъни, Аллоҳнинг кишиларга бу имкониятни бериши улкан илоҳий иноятдир. Таъкидлаш жоизки, масалага бу тарзда қараш тасаввуф ва бошқа тур манбаларда учрамайди. Тасаввуфий таҳлилларда касб масаласи инсонларнинг моддий ҳаётига тегишли муаммоли бир баҳс мавзуси сифатида олинган ва таҳлил қилинган. Унинг фойдаларини очишга уринилганда ҳам асосан касбнинг моддий жиҳатдан бировга қарам бўлмасликдан келадиган фойдаларига алоҳида урғу берилган. Термизийда эса бунга қўшимча тарзда касб масаласининг кавний ва башарий ёки самовий ва арозий ҳикматларига турли жабҳалардан туриб назар қилинган кенг қамровли таҳлилини кузатишимиз мумкин.

Бу илмларнинг ўрни ҳақида унинг “ҳикмат” ҳақидаги қуйидаги хулосаларидан билиш мумкин: “Ҳаким- Аллоҳнинг дунё ва охиратга доир ишларини мутолаа қилган (очиқ кўрган), тарки дунё хусусида қалбини қувватлантирган, ҳикмат нури билан охиратни талаб қилган кишидир” [7: 30]. Ёки ҳикматнинг қуйидаги турлари бор:

1. Тажриба мўллигидан туғилувчи ҳикмат – бу кишини ўзи яшаётган дунёни тузатишга далолат қилиб, ҳикматнинг энг қуйи даражаси (яъни, дунёвий билимлар ҳикмати).
2. Муомаланинг софлигидан туғиладиган ҳикмат – бу охиратга далолат қилади.
3. Қурбат ва мушоҳададан туғиладиган ҳикмат – бу ҳақиқат ва Ҳаққа далолат қилади [4: 84-85].

Кўринадики, бу хулоса бир-бирини инкор қилувчи ёки алоҳида уч турни эмас, балки бир-бирини тўлдириб боровчи, табиий тарзда қуйидан тепага ҳаракатланувчи уч босқични ўз ичига олади. Шу тарзда Термизийдаги валийлик тушунчаси илм, маърифат, инсон, унинг коинотдаги ўрни ва вазифаси, ташқи ва ички тузилиши, ҳикмат ва унинг қисмлари, дин ва дунёнинг муҳим масалаларини қамраган ҳолда кенг бир жабҳага қўчади ва юқорида айтилганидек, таълимот даражасига кўтарилади. Бу жамловчи ҳикмат эса Термизий истилоҳида “олий ҳикмат” (ҳикматул улья) ёки “ҳикматлар ҳикмати” (ҳикматул ҳикма) дейилади [2: 104, 148] ва у қалбда бўлиб, тил, илм ва амалларда – барча жабҳада намоён бўлади ҳамда бу валийларнинг асосий хусусияти саналади. Шунинг учун Термизий асарларининг кенг қамровли таҳлилидан маълум бўлишича, унинг “валийлиги” тасаввуф доирасидаги валийликдан фарқли тарзда диний ва дунёвий билимлар орқали жамиятнинг пешвоси бўлган илғор шахсни ифода этади.

Юқорида келтирилган омиллар Ҳаким Термизий илмий меросига торроқ маънони ифодалаши мумкин бўлган “тариқат” нуқтаи назаридан эмас, балки кенгроқ маънодаги “таълимот” тушунчаси орқали назар ташлаш ва таҳлил этиш зуруратини келтириб чиқаради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиш мумкинки, Ҳаким Термизий тафаккури Ислом манбаларининг кенг қамровли тадқиқ ва таҳлили натижасидир. Бу жиҳат эса бугунги кунда уни нафақат турли-туман йўналишларда тадқиқ этилишини талаб қилади, балки бу йўналишларнинг умумий боғламлари тўғрисида хулосалар чиқариш заруриятини ҳам келтириб чиқаради. Бирламчи умумий хулосалардан бири шуки, Ҳаким Термизига кўра, инсон ақли, руҳи, нафси ва қалби ҳамда уларнинг ўзаро муносабати барча нарсанинг бошланиш жойи – аслидир. Қалб ва ақл илоҳий таълимотга мувофиқлашув хусусиятига эга. Нафс ва руҳ ҳам алалоқибат ўз салоҳиятини фақат унда топади. Муаммонинг асосий нуқтаси эса инсон ва Худо муносабатида бўлиб, қолган барча масала бу мушкулотнинг нечоғлик ечилишига боғлиқдир. Шунинг учун бунинг тадқиқи ва таҳлили кенг қамровга ҳамда юксак

илмий ва руҳий салоҳиятга асосланиши лозим. Зеро, Ҳаким Термизий мероси орқали ҳам кўринганидек, дин – фақат диннинг ўзидангина ташкил топмайди ва унинг ўзи билангина тўла тушуниб етилмайди. У – бутун коинот тартиботини англаш (ҳикма) билан бўлади, бунинг учун эса кишига илм зарурдир. Илм ошган сари, ҳикмат теранлашади. Шунинг учун бир-бирини тақозо этувчи илм ва ҳикма орқали, динни “ҳамма нарса” ва у “ҳамма нарса” орқали ўрганилади, дейиш мумкин. Зеро, Ҳаким Термизий қарашлари занжири астрономия ва бошқа фанлар билан бирга Қуръон ва Суннанинг нозик тадқиқларини ҳам қамраб олиши асносида барча замон ва маконлар учун “исломий ҳикмат” тамойилининг асосларини юзага чиқариши билан ҳам нодир ҳодисадир. Буларнинг бари эса ўз навбатида Ҳаким Термизийни исломий манбалар ва улар тақозо этган дунёвий билимлар орқали тариқат доирасидан ҳам юксалган ва инсоният тарихида камдан-кам мутафаккирларга насиб этадиган ҳолат – таълимот даражасидаги қарашларни шакллантириш ва мерос қолдириш имконини берди. “Таълимот” каби юксак даражада масалалар турли жиҳатлардан, яна ҳам оддийдан мураккабга қараб ҳаракатланган ва туб асосларига етиб борилган ҳолда илм ва ҳикмат уйғунлигида кўриб чиқилади. Бу жараёнда эса масалалар ўртасида муштарак жиҳатлар ва ўзаро боғлиқликлар ҳам қайд этилган ҳолда яхлит методология шаклланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ҳаким Термизий таълимоти миллий ғоя ва тафаккуримиз йўналишини белгилаш масаласида ҳам алоҳида қийматга эга, деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳасан Ҳаким Термизий:
2. Хатм ал-авлиё (ичида: Будувву шаън). Усмон Исмоил Яҳё тадқиқи. Байрут: Мактаба ал-қасуликӣя, 1965.
3. Таҳсилу назоир ал-Қуръан. Хусни Наср Зайдон тадқиқи. Қоҳира: Матбаъа ас-саъода, 1969.
4. Одоб ал-муридин ва байон ал-қасб. Икки китоб. Абдулфаттоҳ Абдуллоҳ Барака тадқиқи. Қоҳира: Матбаъа ас-саъода, 1976.
5. Маърифату-л-асрор. Муҳаммад Иброҳим Жуюший тадқиқи. Қоҳира: Дор ан-наҳза ал-арабийя, 1977.
6. Ал-Масоил ал-макнуна. Муҳаммад Иброҳим Жуюший тадқиқи. Қоҳира: Дор ат-турос ал-арабийя, 1980.
7. Ал-Манҳиййат. Муҳаммад Усмон ал-Хушт тадқиқи. Қоҳира: Мактаба ал-Қуръан, 1986.
8. Ал-Акйос ва-л-муғтаррун. Аҳмад Абдурахим Сойих ва Саййид Жамилӣй тадиқи. Қоҳира: Ал-Мактаб ас-сақофӣй, 1989. Биринчи нашр.
9. Абулҳасан Али ибн Усмон ибн Аби Али Жуллабий Ҳужвирий Ғазнавӣй. Кашф ал-махжуб. Исъад Абдулҳодӣй Қандӣйл тадқиқи. Қоҳира: Ал-Мажлис ал-аъло ли-с-сақофа. 2007, II.
10. Абулфароҷ Муҳаммад ибн Аби Яъқуб Исҳоқ ал-маъруф би-л-варроқ. Китаб ал-фихрист ли-н-Надим. Ал-Фихрист. Ризо Тажаддудӣй тадқиқи. Техрон, 1971, X.
11. Аҳмад Абдурахим Сойих. Сулук инда ал-Ҳаким ат-Термизӣй ва масодируҳу мина-с-сунна. Қоҳира: Дор ас-салом, 1988.
12. Холид Заҳрий. Шайх ва файласуф: кироату фи-л-мадӣйнати-л-фозила байна-л-Ҳаким ат-Термизӣй ва-л-Форобӣй (Шайх ва файласуф: фозил шаҳар борасида Ҳаким Термизӣй ва Форобӣй қарашлари мутолааси) // Les maîtres soufis et leurs disciples des IIIe-Ve siècles de l'hégire (IXe-XIe). Enseignement, formation et transmission. Coordonné par Geneviève Gobillot et Jean-Jacques Thibon. Damas-Beyrouth, 2012. P.161-221.
13. Идрис Абдуссалом Шоҳидӣй Ваззонӣй. Ал-Ҳаким ат-Термизӣй ва мадросатуҳу фи таҳлил ан-нафс ал-инсанийя. Исдорот шабакат ал-улум ан-нафсийя ал-арабийя. 1/2013.
14. Чўтматов Ж. Муҳаммад ибн Али Ҳаким Термизӣй ва Муҳаммад ибн Али Қаффош Шошӣй “мақосиду-ш-шарӣйъа” йўналиши асосчилари сифатида. Шарқшунослик. 2016. №4. – Б. 149-156.